*Конституциямиз яшамоқда ва амал қилмоқда*

# АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗДА ИЖОД ЭРКИНЛИГИ




Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ Республикамизда кишилар ижодий салоҳиятини ошириш, интеллуктуал мулкни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли асарларида илмий ва ақлий салоҳиятни ривожлантириш, маънавий (интеллуктуал) мулкни муҳофаза қилиш хусусида қуйидаги фикрларни билдирганлар:

ижоднинг барча турларини ривожлантириш одамларнинг истеъдод ва қобилиятларини намоён этиш учун шарт-шароитларни яратиш, маънавий мулкни ҳимоя қилиш. Кишилар шуни аниқ ва равшан англаб етишлари керакки, маънавий потенциални илдам ривожлантирмай туриб, республиканинг чинакам мустақиллигини ва равнақ топишини таъминлаб бўлмайди.

Билдирилган ушбу фикрлар 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз ифодасини топди. Конституциянинг 42-моддасида ижод эркинлигини ва ақлий салоҳиятининг ривожланиши давлат томонидан қўллаб–қувватланиши мустаҳкамланади.

– Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

Асосий Қонунимизда мустаҳкамланган ушбу норма қисқа ва аниқ мазмунда, улкан ҳуқуқий маънони ўзида ифода этади. Шахснинг илмий ва ижод эркинлигига эга бўлиши демократик давлатларга хос холат бўлиб, бунда ҳар кимнинг ижод билан (шеър ёзиш, ихтиро қилиш, расм чизиш, янги нав яратиш, қўшиқ яратиш ва ҳоказо) шуғулланишига имконият яратилиши давлатнинг иқтисодий ва маънавий салоҳиятини оширади.

Ҳозирги кунда фан ва техниканинг юксак суръатларда ўсиб бориши, келажакда интеллектуал жиҳатдан кучли салоҳиятга эга кишиларнинг, илмий ижодий имкониятлари очилиб давлатнинг мавқеи баланд бўлишини билдирмоқда. Шундай экан, Конституциямизда ўз ифодасини топган ушбу меъёр кишиларимизнинг, давлатимизнинг илмий ва техникавий, ақлий ва маънавий салоҳиятини оширган ҳолатда кучли интеллектуал потенциалга эришиш мумкинлигини назарда тутади. Илмий ва техникавий ижод эркинлигининг ҳар бир шахсга тегишлилиги кишига ташаббускорлик ва маънавий куч бағишлайди, уларни ижодга ундаб янги асарлар, ихтиролар, яратишга қизиқтиради. Конституциямизда илмий ва техникавий ижод қилишликка ҳеч қандай тўсқинликлар қўйилмаслиги ва илмий ҳамда техникавий ижод маҳсулининг давлат муҳофазасига олинганлиги ҳам алоҳида эътиборга моликдир.

Шу билан бирга ушбу конституцион меъёрга кўра давлатнинг жамият маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилиши белгиланганлиги ижоднинг ҳар қандай тури давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ушбу соҳада давлатнинг ташаббуси билан турли танловлар ўтказилишини ва бошқа усуллар билан давлат ижодининг ривожланишига кўмак беришини кўзда тутади. Шундай экан, асосий Қонунимизда мустаҳкамланган ҳар бир меъёр ва қоида ҳаётимиз ва ишимизда дастуруламал бўлиб қолмоғи керак.

**Нурилло ИМОМОВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси.**

---

*Назорат*

# ФИРМАЛАРНИНГ МИСИ ЧИҚДИ

Султонмуроднинг устидан жиноят иши қўзғатилибди, дейишганида эшитганлар хайрон бўлишмади. Чунки унинг ғирромлигини ҳамма биларди. Охир-оқибатда қўлга тушиб шармандаи-шармисор бўлиши турган гап эди.

Тадбиркорликка кенг йўллар очилган дастлабки йилларда Султонмурод яхши ниятлар билан Ҳамза туманида «Орзу» деб номланган хусусий фирма очиб олди-соттини йўлга қўйиб юборди. Қарасаки, тушумларнинг тушиши чакки эмас. Саноқли ойларда рангига қон югуриб қолди. Шундан кейин у Собир Раҳимов туманида «Гран При» деб номланган яна бир хусусий фирмани очди. Шу тариқа Султонмуроднинг довруғи бутун шаҳарга ёйила бошлади. Тезда янги таниш-билишлар, улфатлар қуршовида қолди. Танишларнинг зўри билан кўп ўтмай фирмалар билан бирга «Махсустаъминотсавдо» корхонасига раҳбарликни ҳам қўлга олди.

Фирибгарликнинг каттаси мана шундан кейин бошланди. Янги раҳбар кўп ўтмай нафсга эрк бериб 77,6 миллион сўмлик камомадга йўл қўйди. Агар текшир-текшир бошланса қармоққа илиниши турган гаплигига ақли етиб гўё 36 миллион сўмлик товар моддий бойликлари «Орзу» хусусий корхонасига ўтказилган деган маънода қалбаки ҳужжатлар тайёрлади. Шундай йўллар билан камомадни салкам ярмига камайтирмоқчи бўлди.

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ кунга қолмай чиқди. Ҳужжатли текширув пайтида «Махсустаъминотсавдо» корхонасига кирим қилинган 77,6 миллион сўмлик қандолат маҳсулотларининг чиқим ҳужжатлари ҳеч қаерда йўқ эди. Қалбаки бухгалтерия ҳужжатларини тақдим этган «Орзу» хусусий фирмаси Ҳамза тумани ҳокимлигининг қарори билан 1999 йил май ойида тугатиб юборилган экан. Султонмурод Мадраҳимов эса рўйхатдан ўчган фирманинг муҳр ва штампларидан ўз манфаати йўлида ўша йилнинг ноябригача фойдаланиб камомадларни яширмоқчи бўлган экан.

Текширувлар чуқурлашгач яна янги-янги қонунбузарлик ҳолатлари кўзга ташлана бошлади. Султонмурод ҳар уччала корхонага раҳбарлик қилган йиллари турли хил фирибгарлик йўллари билан 21 миллион 683 минг 300 сўм солиқни қасддан яширганлиги маълум бўлди. «Орзу» хусусий фирмаси ёпилгач, у «Гран При» хусусий фирмасининг банкдаги ҳисоб рақамига келиб тушган пулларни яширинча бошқа фирма ва ташкилотлар ҳисоб рақамига кўчириш билан машғул бўлган. Бунинг эвазига у каттагина миқдорда нақд пулли бўлиб қолган.

Фирма биргина «Локколорсинтез» қўшма корхонаси ҳисоб рақамига ўтган ойларда турли хил бўёқлар олиш учун жами 4 миллион 360 минг 242 сўм ўтказган эди. Лекин олинган товар, моддий бойликлари фирма ҳисоботига кирим қилинмай «Ўриқзор бозори» орқали нақд пулга сотилган эди. Бу оддий «операция»дан фирма раҳбари қанча фойда кўргани биргина ўзига аён. Бундай ноқонуний ишлардан яна ўнлаб мисоллар келтириш мумкин.

Қани энди хусусий фирмалар ҳам бошқа корхоналар каби ҳалол фаолият кўрсатса. Афсуски, уларнинг қайси бирини кўздан кечирманг албатта қонунбузарликларга йўл қўйилаётганлиги аён бўлиб қолади. Тошкент шаҳар солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши курашиш бошқармасининг тезкор ходимлари яқинда Чилонзор туманидаги «Дувайс» хусусий фирмаси фаолияти билан танишиб шундай хулосага келдилар.

Қуйичирчиқ тумани Отажонов номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Рустам Мураев бу хусусий фирмани ўтган йилнинг сентябрь ойида ташкил этган эди. Фирма раҳбари корхонани рўйхатдан ўтказиш пайтида «Ҳисоботларни вақтида топшириб турамиз, солиқ қонунчилигига қаттиқ риоя этамиз», деб қоп-қоп ваъдалар берган эди. Иш битгандан кейин эса ҳамма ваъдаларни унутди. Тезроқ бойиш йўлига кириб кетди.

Тезкор ходимлар фирма фаолияти билан танишиш жараёнида ўн ой давомида фирма бўйича 7 миллион 862 минг сўм товар айланмасига ҳисобот топширилганлигини, амалда эса 55 миллион 389 минг 534 сўмлик солиқ базаси солиқ тўловларидан атайин яшириб қолинганлигини исботлаб бердилар. Шундан кейин Рустамнинг нафаси ичига тушиб кетди. Солиқчилар ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатиб суриштирув ҳаракатларини бошлаб юбордилар.

Қонун устуворлиги таъминланаётган ҳозирги пайтда ҳалол яшаб, ҳалол ишлашга ўрганмоқ керак. Бугунги кунда солиқчилар ҳушёрлиги ҳар қачонгидан ҳам ошган. Қонунбузарлар шохида юрса улар баргида юради. Тошкент шаҳар Давлат солиқ бош бошқармасида солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши курашиш тизими яратилгандан сўнг тезкор ҳаракатлар ўн чандон кучайган. Шундай экан тўғри йўл қолиб эгри йўлни танламанг. Эгри йўлнинг боши ҳамиша берк бўлади. Гуноҳ иш қилиб қўлга тушганингиздан сўнг оҳингиз Оллоҳга ҳам хуш келмайди.

**Жасур НОСИРОВ.**

---

*Анжуманлар*

# ДАВРА СУҲБАТИ

**Шаҳримизнинг Бектемир туманидаги «Астробод» маҳалласида тез-тез хайрли тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиб турилади. Яқинда бу ерда «Ислом — пок дин» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда туман маҳалла фаоллари, профилактика нозирлари, прокуратура ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар.**

Йиғилганларга Тошкент Ислом университетининг маърифат ва маънавият ишлари бўйича проректори, шаҳримиздаги «Кўкча» масжидининг имом-хатиби Раҳматулла қори Обидов дин нима, ҳалол билан ҳаромнинг фарқи, иймон ва диёнат тушунчалари ҳақида сўзлаб, диний илмсизлик туфайли ислом динининг асл моҳият-эътиборига зид таълимот билан қуролланган бузғунчи ва фитначи фирқалар тўғрисида тушунчалар берди.

— Айрим фарзандларимизнинг бугунги қилаётган номаъқул ишлари ана шу динимизни чуқурроқ англаб етмаётганлигидан деб биламиз, — деди туман оқсоқоллар кенгаши раиси Йўлдош Хўжаев. — Уларга бундай тарбияни бериш эса бизнинг вазифамиздир. Мана бу каби давра суҳбатларининг ўтказилиши ҳам ёшларимизнинг ҳуқуқий, диний билимларининг янада мустаҳкам бўлишида катта ўрин тутади.

— Мақсадимиз ўсиб келаётан ёш авлодни тўғри йўлга йўналтиришдан иборат, — деди туман ҳокими ўринбосари Ҳайдарали Муҳаммадалиев. — Бу йўлда айниқса ота-оналар билан биргаликда маҳалла фаоллари ҳам кўмак беришлари керак. Бунда юртнинг фидойи инсонлари, қолаверса устоз- мураббийларнинг саъй-ҳаракатлари салмоқли бўлиши лозим.

**Маҳлиё ИСОҚОВА.**

---

*«Оқшом»нинг ҳуқуқий маслаҳатхонаси*

# СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

**Савол: Эшитишимизга қараганда, ислом таълимотидан сабоқ олувчи олий ўқув юрти талабаси ҳарбий хизматни муқобил тартибда ўташга ҳақли экан. Шу тўғрими?**

**Жавоб:** Муқобил хизмат тўғрисидаги Қонунга кўра агарда диний эътиқоди қурол ишлатишга тўғри келмайдиган бўлса у муқобил хизматни ўташга ҳақли.

* * *

**Савол: Менинг уч ёшга тўлмаган болам бор. Ўзим хусусий корхонада ишлайман. Лекин корхонамиз раҳбарининг ташаббуси билан мени ишдан бўшатишди. Шу қонунчиликка тўғри келадими?**

**Жавоб:** Меҳнат Кодексининг 237-моддасига асосан уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхонанинг хусусий ёки давлат корхонаси эканлигидан қатъий назар (корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно). Сизга шуни маълум қиламизки, меҳнат шартномаси иш бажарувчини албатта бошқа ишга жойлаштириш шарти билан бекор қилинади.

**Ойбек ИСОҚОВ, ҳуқуқшунос.**

---



# ТАБИАТ ВА ИНСОН

**№ 11 (106) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси**

*Куз лавҳаси*

# ТИЛЛАРАНГ ЯПРОҚЛАР

Куз – ҳазонрезги даври. У кўчаларни ифлослантириб, фаррошларга ортиқча ташвиш келтиради. Шунинг учун бўлса керак ерга тўкилган ҳазонлардан тезроқ қутилиш мақсадида кўпчилик уни ёқиб юборишни маъқул кўради. Бу ҳол эса Табиатни муҳофаза қилиш қонунининг бузилишига олиб келади. Шулар ҳақида ўйлаб, Анҳор ёқалаб бораман. Оёғим остидаги ғиж-ғуж япроқларни босиб ўтарканман, кўнглимда ғалати ҳиссиётлар уйғонади. Олтин каби сап-сариқ барглар, олис-олис ёшлигимнинг ҳам қувончли, ҳам шўх дамларини ёдга солади.

Ўқувчилик йилларимиз эди. Устозимиз мактаб боғига олиб чиқиб, ҳар бир дарахт ҳақида тўлқинланиб сўзлаб бердилар. Нафис япроқларни тердириб, ундан гербарийлар ясашни кўрсатдилар. Ҳатто сув устига сочи ёйилиб турган мажнунтолнинг қандай қилиб бизнинг юртларга келиб қолганини ҳам ширин эртаклардек сўзлаб бердилар.

Ёдимда, чиройли шеър, ажойиб ҳикоя ўқисам китобим ичига ажиб япроқларни солиб қўярдим. Шу топда ложувард куз япроқларини босиб шивалаб ёғаётган ёмғирга юз тутиб боракарканман, гўё шу япроқлар ноласини тинглаётгандек эдим. Мана, бир япроқ умрининг поёнига охирги нуқтани қўйиб, шохдан чирт узилиб оёқларим остига тушди. У тақдирига тан бериб юмшоқ ва оҳиста ерга бош қўйди. Япроқ умри сарҳисоби – охирги гўзаллигини кўз-кўз қилмоқчи бўларди-ю лекин унинг ноласига эътибор бермай биз бераҳмлар уни топтаб борардик. Оёқларимиз остида эзилиб, янчилаётган япроқлар назаримда хаста кишини – сўнгги бор ҳам дунёдан умидини узмай, тузалиб кетишига ишониб яшаётган қарияни эслатади гўё.

Ажиб ҳодиса. Айни шу дамда юрагимда ерда ётган ҳазонларга қандайдир ачиниш ҳисси уйғонди. Биз инсонлар нега шунчалар аёвсизмиз? Нега биз билан кўпинча ёнма-ён яшаётган табиатни нидосини тушунмаймиз. Тилсиз яшил дўстларимизни бизга келтирган фойдаларидан кўз юмиб баъзан уларга озор берамиз, мажақлаймиз, янчамиз.

Қаердандир тутун ҳиди димоғимга урилди. Эпкин шамол яқин орадан олиб келаётган бу ҳид яна ёшлигимни ёдимга солди. Ўчоққа ўтин қалаб, онамга ёрдамлашаман. Аччиқ тутундан ҳосил бўлган кўз ёшларимни дам-бадам артиб оловнинг ёнишини қизиқиб кузатиб ўтираман. Бугун эса негадир ўша таниш ҳид ўрнига ёқилаётган баргларнинг сассиқ саси димоғимга урилиб, бир зум ўзимни ноҳуш сездим. Анҳор бўйларига тўпланган ахлатхоналардан, дарахт тагига уюлган ҳазонлар ёқилишидан тарқалаётган бу ҳидлар атроф-муҳитга қанчалик заҳар тарқатаётганини наҳот шу ҳазонларни ёқаётган бераҳмлар ҳис этишмаса? Энди мана шу савол мени қийнарди. Ахир бу хазонлар бир жойга тўпланиб кўмиб қўйилса, баҳорда улар тайёр ўғит бўлиб, яна бизнинг хизматимизга ҳозиру нозир турмасмиди? Бекорга ҳам бободеҳқонларимиз қадимда ёш ниҳол остига дарахт баргларини тўплаб, уларни қиш қаҳридан сақлаш учун устига шох-шаббалар ташлаб қўйишмаган бўлса керак? Улар ҳамиша тўкилган баргларни исроф қилмасдан ерга кўмиб қўйишарди. Чунки улар келгуси йил ҳосили учун янги озуқа ҳисобланарди. Биз эса бепарвомиз. Баъзан уларни ёқамиз, ёки бўлмаса оёқларимиз остидаги тилларанг япроқлар куз неъматларини топтаб ўтамиз.

Эссиз, ҳазонлар...

**Муяссар ЮСУПОВА.**





Ўлкамизда куз.

*Текширувлар*

# ЭКОЛОГИЯ КУНДАЛИГИ

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратчилари атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, сув манбаларининг озодалиги бўйича бир қатор текширувлар ўтказдилар. Қуйида ана шу кузатув давомида аниқланган қоидабузарликлардан мисоллар келтирамиз.

◆ Бектемир темир-бетон маҳсулотлари қўшма корхонасида бўлган назоратчилар ер ости қазилмаларидан фойдаланиш қоидалари бузилганлигини аниқлашди. Шу сабабли корхонанинг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Н. Серватинскийга 6 минг сўм жарима солишди.

◆ «Оригинал-М» корхонаси директори Б. Мушеев кўрсатилган қонунни бузиб экология экспертиза хулосасисиз иш юритаётганлиги маълум бўлди. Шу боис уни назоратчилар 4900 сўм жарима тўлашга мажбур этишди.

◆ 83-ёнилғи қуйиш станциясининг бош оператори А. Абдураимов табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганлиги туфайли 7350 сўм жарима тўлади. Шунингдек, 3-ёнилғи қуйиш станциясининг бош оператори П. Аҳмедов ҳам юқоридаги ҳолатга йўл қўйганлиги сабабли 7350 сўмлик жаримага тортилди.

◆ «Агрегат заводи» ҳиссадорлик жамиятида металл чиқиндиларини йиғиш жойида ерга мой маҳсулотларининг тўкилганлиги ва у ўз вақтида тозаланмаганлиги аниқланди. Шу сабаб корхонанинг ишлаб чиқариш бўйича директори А. Бадаловга 4900 сўм жарима солинди.

◆ «Гиёбуртехника» ҳиссадорлик жамияти бош нурсози В. Петушков ёруғсиз ҳолга келган люминисцент лампаларни ўз вақтида зарарсизлантириш чораларини кўрмаган. Бу қоидабузарлиги учун у 3000 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

◆ Назоратчилар 1-сонли троллейбус депосида оқава сувлардан фойдаланиш қоидалари бузилганлигини аниқладилар. Бунга йўл қўйган корхона бош нурсози Ғ. Сотволдиевга 3500 сўм жарима солинди. Шунингдек, бош муҳандис Ю. Климовских ҳам жазодан четда қолмади. У табиий муҳитни зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганлиги сабабли 7350 сўм жарима тўлади.

◆ «Сабот» жамоа корхонасида табиий муҳитни тиклаш чоралари кўрилмаган. Омборхона мудири Ф. Салимов 12 минг сўм жарима тўлаш билан ўз қилмишини «ювди». Шунингдек, корхонада экологик экспертиза хулосаси йўқлиги ҳам аниқланди. Ушбу қоидабузарлиги учун корхона директори М. Каинов 7000 сўмлик жаримага тортилди.

◆ Акмал Икромов тумани ободонлаштириш бошқармаси бригадири Ф. Умаровнинг қилмиши ҳаммадан ошиб тушди. У ўзбошимчалик билан бир нечта дарахтларни кестириб ташлаган. Айбдорга нисбатан назоратчилар 7350 сўм жарима солишди.

◆ «Тошқишлоқмаш» ҳиссадорлик жамияти 33-цех бошлиғи У. Ирманов ва бош оператор Р. Файзиевлар чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш чоғида табиатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этишмаган. Уларга ҳам 5000 ва 3000 сўмлик жарима солинди.

◆ Жаримадан «Алреал-сервис» корхонаси бошлиғи Ф. Кулиев ҳам четда қолмади. У атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлиги учун 4900 сўм тўлашга мажбур бўлди.

◆ «Анвар таом» бош ошпази А. Расулов ошхона ҳудудидаги 4 та дарахтни табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси рухсатисиз кестириб ташлаган. Шу сабабли унга 12250 сўмлик жарима солинди.

**Барно ЭРГАШЕВА,**
**Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси.**

*Туманларда*

# БАРЧАНИНГ ИШИ

Янги аср бўсағасида турибмиз. Инсоният ўз тарихининг яна бир йилига якун ясамоқда. Ўтаётган давр мобайнида кўп ибратли ишлар қилинди. Муаммоларга барҳам берилди. Шулар қаторида табиат муҳофазасига ҳам катта эътибор қаратилди. Зеро Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек: «Цивилизация белгиларини асраб-авайлаш нечоғлик зарур бўлса, табиатни, ер-сувни эҳтиёт қилиш ҳам шунчалик муҳимдир».

Республикамизда сув манбалари ва атмосфера ҳавосининг ифлосланишидан муҳофаза қилиш муҳим ўрин тутади. Бу масалани шаҳримизнинг Юнусобод тумани мисолида кўрадиган бўлсак охирги беш йил ичида бу ерда табиатни муҳофаза қилиш йўлида жуда катта ижобий ютуқларга эришилди. Бунда албатта табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан биргаликда туман ҳокимлиги, ўз-ўзини бошқариш идораларининг ҳам ҳиссаси каттадир.

Туманимиздаги 10 та корхона чиқинди сувларни очиқ сув ҳавзасига ташлар эди. Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан уларнинг 6 тасида бундай ҳолга чек қўйилди. Қолган 4 та корхона – хусусан «ЎзДЭУэлектроникс» қўшма корхонаси, 4-Тошкент иссиқлик маркази, «Шифобахш булоқ» ҳиссадорлик жамияти, 2515-автожамланмаси бундан мустасно. Улар мажбуран, қолаверса унча ифлосланмаган чиқинди сувларни Салор каналига, Қорақамиш коллекторига ва Бўзсув каналига ташламоқдалар. Бу корхоналар томонидан сувдан фойдаланиш ва очиқ сув ҳавзасига чиқиндиларни ташлаш махсус рухсатномалари қонунийлаштирилган ва улар қўмита томонидан кузатилиб, вақти-вақти билан лаборатория текширувидан ўтказилиб турилади.

Туманда айни кунларда экологик вазиятни яхшилаш учун 1998-2005 йилларга мўлжалланган иш режаларини кўриб чиқиб бажарилиши лозим бўлган юмушлар назорат остига олинган. Бундай текширувлар натижасида айбдор шахслар ҳам аниқланмоқда. Туман бўйича шундай 16 та шахсга 48 минг 600 сўм миқдорида жарима солинди.

Экологик муаммоларни ечиш бўйича табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидан ташқари туманда бир қанча илмий текшириш институтлари ва бир қатор халқаро жамғарма фондлари мавжуд ва улар ҳам бу йўлда баҳоли қудрат саъй-ҳаракат қилишмоқда. Лекин бу билан иш битмайди албатта. Чунки экологик вазиятни яхшилаш бугунги кунимизнинг долзарб муаммоларидан бири экан, унга барчамиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим бўлади. Ана шундагина табиий муҳитнинг бузилиши ва бир қанча касаллик ва эпидемияларнинг кўпайишига чек қўйган бўламиз.

**Собир МАҲАМАТОВ,**
**қўмита нозири.**

**Мақолаларни Мақсуд ҚОБИЛОВ тайёрлади.**

